



2012 йил — Мустақкам оила йили

АЁЛ МАЪРИФАТЛИ БЎЛСА

фарзандлар баркамол вояга етади



Хаёт таърибидан маълумки, оиланинг тинчлиги, фарзандларнинг келажаги энг аввало аёлга, онага боғлиқ. Уй бекаси оқила, сариштали, юксак маънавиятли, маърифатли бўлса, бу оиладан файз-барака, хушвақтлик аримайди. Бундай оилادا тарбияланган фарзандлар ҳар томонлама баркамол бўлади. Шу боис юртимизда оила ва аёлни қадрлашга алоҳида эътибор билан қаралади.



Бектемир туманидаги «Роҳат» маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилган давра суҳбатида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари, Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, «Фаол аёллар» қаноти аъзолари шу ҳақда фикр алмашди. «Соғлом оила — жамият таяниши» мавзусида ўтказилган мазкур тадбирда аёлларнинг оила ва жамият ҳаётидаги мавқени кучайтириш, улар саломатлигини муҳофаза қилиш масалалари ҳусусида сўз юритилди.

(Давоми 2-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 20 йиллиги олдидан

Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 20 йиллиги олдидан ЎЗА мухбирлари ҳаётини эл-юртимиз тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлашга бағишлаган инсонлар билан суҳбатлашди.

ОРЗУИМ — ЎҒЛИМНИ ҲАРБИЙ ФОРМАДА КЎРИШ

Самандар КЕНЖАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси тингловчиси, майор:

— Амаким — ҳарбий. Болалигимда амакимни ҳарбий формада кўриб, гапларини эшитиб, мен ҳам ҳарбий бўламан, деб ният қилгандим. Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртида ўқидим. Жиззахдаги ҳарбий қисмда учувчи бўлиб хизмат қилдим. Вата-

Лобар СИДДИҚОВА,
уй бекаси:

— Болалигимдан ҳарбий либос кийган йиғитларга ҳавасим келарди. Шу боис турмуш ўртоғим ҳарбий бўлишини жуда хоҳлардим. Ниятим ижобат бўлиб, ҳарбийлар оиласига келин бўлиб тушдим. Умр йўлдошим ва қайнонам ҳарбий соҳада фаолият юритади. Ҳарбийлик жуда катта масъулият ва улкан жасорат эгаси бўлишни талаб қилади. Мен ана шундай шарафли касб соҳибининг рафиқаси

Баҳодир МАМАСОЛИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ўқитувчиси, подполковник:

— Ҳарбий бўлиш ва армия сафида хизмат қилиш болалик орзуим эди. Сабр ва масъулият талаб қиладиган бундай шарафли касбни эгаллаш учун олий ҳарбий билим юртида тахсил олдим. Интилиш ва изланишларим самарасида ниятимга етдим — офицер бўлдим. Бир неча йилдан буён мамлакатимиз Қуролли Кучлари академиясида ҳарбийларга алоқа муҳандислигидан тахсил бериб келяпман. Мамлакатимизда кўшинларнинг моддий-тех-

Сардор АВАЗОВ,
талаба:

— Сурхондарё вилоятида муддатли ҳарбий хизматни аяло даражада ўтаб, қўмондонликнинг тегишли тавсияномасини олиш шарафига муяссар бўлдим. Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 31 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан бундай тавсияномага эга бўлган йиғитларга мамлакатимиздаги олий ўқув юртига ўқишга киришда тест синовларида тўпландиган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдоридан кўшимча балл шаклида имтиёз берилмоқда. Мен ҳам ушбу имтиёздан фойдаланган ҳолда

нимиз тинчлиги ва осмонимиз мусофоллигини таъминлашга ўз хиссамни қўшаётганимдан хурсандман.

Мамлакатимизда ҳарбийларга катта эътибор қаратилмоқда. Ҳарбийлар барча шарт-шароитларга эга уй-жой билан таъминланиб, уларнинг оилаларига улкан ғамхўрлик кўрсатилаётди. Ўғлим ҳам мендек учувчи бўлишни хоҳлайди. Орзуим — уни ҳарбий формада кўриш.

Оиламизда 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунини кенг нишонлаш аънанга айланган. Шу кунни яқинларимиз билан байрамона безатилган дастурхон атрофида йиғилдик. Оила аъзоларимиз байрам билан кўрайлик. Ҳарбий хизматчининг рафиқаси бўлиш шарафли, шу билан бирга ўта масъулиятлидир. Турмуш ўртоғимни машаққатли меҳнат фаолиятида ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ҳаракат қиламан, бу оиламиз мустақамлигини таъминлашнинг муҳим омилларидандир.

ник базасини мустақамлаш, уларни замонавий технологиялар билан таъминлаш, мудофаа кучларини мустақамлаш, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ва маънавий шарафдорлигини янада яхшилаш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар ўзининг юксак самараларини бераётди. Биз, ҳарбийлар яратилган ана шундай имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда ўз бурчимизни шараф билан бажаришимиз даркор. Ўғлим ҳам келгусида мен каби ҳарбийлик касбини эгаллаб, офицер бўлишни, Ватанга, халқимизга садоқат билан хизмат қилишни жуда-жуда истайман. Ватан ҳимоячиси бўлиш — йиғит учун юксак шараф.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетида ўқишга кирдим. Бу мамлакатимизда ёш авлод қамолоти йўлида кўрсатилаётган юксак ғамхўрликнинг амалдаги яна бир ифодасидир. Ҳарбий хизматни ўташ чоғида катта сабоқ олдим. Ватаннинг ҳимоя қилишни, қадрлашни, ҳаётнинг қадрига етишни ўргандим. Ҳарбийда орттирган таърибим, чиқарган сабоқларим ва эга бўлган имтиёзларим бир умрга татийди. Бундай шарафга мамлакатимизда минглаб, миллионлаб йиғитлар эга бўлмоқда. Биз, ёшлар яратилаётган ана шундай имконият ва шарафларнинг қадрига етмоғимиз, улардан самарали фойдаланмоғимиз лозим.

ЎЗА мухбирлари
Мадина УМАРОВА,
Ирода УМАРОВА ёзиб олди.

Муносабат

МАТБУОТ ТАРҚАТИШ ТАКОМИЛЛАШАДИ

Президентимизнинг «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлари бериш тўғрисида»ги қарори нашриёт, таҳририят ва матбаачилик ходимлари қатори биз, матбуот тарқатувчиларни ҳам чексиз мамнун этди.

Солиқ ва божхона тўловлари бўйича берилаётган имтиёз ва афзалликлар бир томондан оммавий ахборот воситалари таҳририятлари фаолиятини ривожлантириб, матбаа маҳсулотлари тарқатиш ва етказиб бериш билан шугулланувчи жамоаларнинг ҳам даромадини оширсан, иккинчи томондан босма маҳсулот ва хизматлар таннархи камайиб, ахборот истеъмолчилари учун ҳам энгиллик яратиб беради.

Оммавий ахборот воситалари ва китоб маҳсулотларини етказиш хизматлари қўшилган қиймат солиғидан озод этилиши вақтли матбуот нашрларини етказиб бериш хизматини анча арзонлаштиради. Бундан биринчи навбатда таҳририят, нашриётлар ва албатта, обуначилар ютади. Давлатнинг бу ғамхўрлиги ахборот соҳасини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Малика ТОҶИЕВА,
«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ
«Тошкент почтамити» филиали обуна бўлими бошлиғи.

Замира Санакулова — гимнастика бўйича мамлакатимиз ҳамда халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келаётган ёш спортчилардан. У Бухоро шаҳридаги 5-ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактаби «Нафис» бадий гимнастика саройида 9 ёшидан буён шуғулланади.

Бадий гимнастика бўйича 5 карра Ўзбекистон чемпиони унвонини, 2010 йил Хитойда ўтган Осиё ўйинларида иккинчи ўринини, 2011 йил Россия ва Францияда ўтган халқаро турнирларда олтин медалларни қўлга киритган.

Бунинг боиси — Замира спортсевар оиласида камол топаётди. Отаси, Бахтиёр Санакулов Бухоро вилояти газначилик бошқармасида бош мутахассис, стол теннисини яхши кўради. Бухоро шаҳридаги 14-умумтаълим

СПОРТСЕВАР ОИЛА



мактабида она тили ва адабиёт фанидан сабоқ берадиган онаси Дилшода Абдуллаеванинг бадминтонга меҳри баланд. Замиранинг укаси Буюкбек ҳарбийлик касбини танлаган —

шаҳардаги 19-ихтисослашган умумтаълим мактаби қошидаги ҳарбий-спорт гуруҳи тарбияланувчиси.

Суратда: бадий гимнастика бўйича Ўзбекистон чемпиони Замира Санакулова оиласи даврасида. Тохир ИСТАТОВ (ЎЗА) олган сурат.

Эътироф

Мен кўплаб мамлакатларда бўлганман. Шунинг алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистоннинг жаҳондаги нуфузи тобора ошмоқда. Бу мамлакатингизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ишлар ва кенг қўламли ислохотлар бераётган юксак самаралардан. Жумладан, сайёҳлик инфратузилмасининг барча тармоқларини изчил ривожлантириш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилаётди. Бунинг натижасида қад ростлаётган кўплаб замонавий меҳмонхоналар, дам олиш масканлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Ушбу янгиланишлар бунёдкор халқингизнинг юксак салоҳияти, тафаккур қудрати, истеъдод ва маҳоратининг яна бир намоёнидир. Ҳа, Ўзбекистон — сеҳрли диёр!».

Симеоне ПУЧЧИНИ,
(Италия).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2012 ЙИЛ 10 ЯНВАРДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ					
1 Австралия доллари	1829,81	1 Миср фунти	298,40	1 СДР	2754,40
1 Англия фунт стерлини	2772,53	1 Канада доллари	1747,17	1 Туркия лираси	957,30
1 БАА дирҳами	490,15	1 Хитой юани	284,94	1 Швейцария франки	1882,96
1 АҚШ доллари	1800,11	1 Малайзия ринггити	569,82	1 Евро	2323,21
				10 Жанубий Корея вони	15,47
				10 Япония иенаси	234,02
				1 Россия рубли	55,91
				1 Украина гривнаси	225,30

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.



Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 20 йиллиги олдидан

«МУҚАДДАС БУРЧ»

Алишер Навоий номидаги кино саройида «Ўзбеккино» миллий агентлиги буюртмаси асосида таниқли режиссёрлар Шавкат Маҳбубов ва Ҳилол Насимовлар томонидан суратга олинган «Сардор — 3» ёки «Муқаддас бурч» деб номланган янги фильм премьераси бўлиб ўтди

■ «Муқаддас бурч» 2000 ва 2005 йилларда кино ихлосмандлари эътиборига ҳавола этилган «Сардор» ҳамда «Сардор — 2» фильмларининг мантиқий давоми бўлиб, унда миллий армиямизнинг мустақиллик йилларида шаклланган янгича қиёфаси — тезкор, замонавий ҳарбий техника ва қурол-яроғ билан таъминланган профессионал армия сифатида шакллангани, бугунги кунда ҳарбий қисмларда яратилган шарт-шароитлар, ўқув-машғулот жараёнлари, шунингдек, нафақат ёшлар, балки оила, маҳалла-қўй ва ёши катта инсонларнинг ҳарбий хизматга муносабати ҳаётий мисоллар орқали тасвирланган.



Фильмда асосий ролларни Учқун Тилаев, Боир Холмирозев, Тоҳир Саидов, Улғубек Юнусов ва Шоҳида Исмоилова ижро этишган. Шу билан бирга, кино оламига эндигина қадам қўяётган ёш истеъдод эгалари ҳам ранг-баранг образларни талқин қилишган.

— Бу фильмининг асосий мақсади ёшларимизнинг Ватанини ҳимоя қилишдек шарафли бурчига масъулятини, ҳарбий хизматга бўлган меҳор-муҳаббатини янада ошириш, улар қалбида ватанпарварлик, юртга садоқат ва фидойиллик каби муқаддас тушунчаларни чуқурроқ синдириш, — дейди **фильм режиссёри Шавкат Маҳбубов**. — Биз имкон қадар шу жиҳатларни очиб беришга ҳаракат қилдик. Бироқ назаримизда, уларнинг барчасини камраб олиш учун битта фильмининг ўзи камлик қила-

ди. «Сардор — 3»ни тасвирга тушириш ишлари ёзининг қоқ чилласига тўғри келди. Шундай бўлса-да, бизга ҳарбий қисмдаги курсантлар ва Мудофиа вазирлиги ходимлари яқиндан ёрдам беришди.

— Илгарилари, ота-оналар ўз жигарбандларини ҳарбий хизматга уларни гўё урушга юбораётгандек кузатишарди, — дейди **«Ўзбеккино» миллий агентлиги бош директори Абсамжон Исоқов**. — Аскарларга алмисқодан қолган, эски-туски ҳарбий кийим бериларди. Бугун эса мамлакатимиздаги барча чақирув пунктлари жаҳон стандартлари асосида бутунлай қайтадан жиҳозланди. Фильмининг кўргач, ота-оналар юртимизнинг турли ҳудудларида ўз йигитлик бурчини адо этаётган фарзандлари билан яна бир бор фахрланади. Ижодкорлар кино орқали ҳарбий хизмат нафақат

муқаддас бурч, балки ёшлар маънавий камолотининг юксалишида муҳим зина-поя эканини моҳирлик билан кўрсата олишган. «Сардор — 3» ёки «Муқаддас бурч» фильмининг телевидение орқали 11-14 январь кунлари намойиш этилиши режалаштирилган.

— «Сардор» фильми ҳаётимга бутунлай янгича мазмун олиб кирди, — дейди **актёр Улғубек Юнусов**. — Чунки, катта кинога илк бор шу фильмда бош роллардан бирини ижро этиб, қадам қўйган-

ман. Ҳа пайтларда ҳали 17 ёшли мактаб ўқувчиси эдим. Айнан «Сардор» мени халқимизга танитди, кўлаб юртдошларимнинг меҳрини қозондим. Бунинг боиси, менга берилган ролни муваффақият билан ўйнаганимда эмас, балки энг аввало, одамларимизнинг ҳарбийларга ўзгача ҳавас билан боқишида. Бундан ташқари, ўтган давр мобайнида актёр сифатида катта ўсишга эришим, ҳаётий тажрибам ошди. «Муқаддас бурч»да ҳам мақсад сари олға интиладиган, айтган сўздан қайтмайдиган офицер образини гавдалантирдим. Бу галги қахрамоним «Сардор» фильмидаги биров ўжар, қайсар ва шўқин табиилиги курсант Ғозиев эмас, балки ҳаёт синюварлида тобланган, дунёқараш ва фикрлаш тарзи кенгайган, мулоҳазакор, ҳар бир ишни охирини ўйлаб амалга оширадиган капитан Ғозиев. Умид қиламанки, фильм томошабинларга манзур бўлади.

— «Сардор — 3» менда жуда катта таассурот қолдирди, — дейди **оддий аскар Фаррух Мардонов**. — Унда нафақат ҳарбийлар ҳаёти, балки уларнинг умр йўлдоши матонати, сабр-қаноти, вафоси таъсирчан саҳналарда ўз ифодасини топган. Мазкур фильм ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга ҳизмат қилади.

Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



ХОРИЖ

ЭНГ УЗУН ОСМА КЎПРИК

фойдаланишга топширилди

Мексикада дунёдаги энг баланд кўприк қуриб фойдаланишга топширилди. 2008 йили қурилиши бошланган мазкур осма кўприкда автомобилларнинг 4 қатор ҳаракатлини учун имконият яратилган. У Дурано штати билан Синалоа штатини «Иблис умуртқаси» деб номланган дара орқали боғлайди.

Кўприкнинг узунлиги 1124 метр бўлиб, эни 20 метр. У даранинг 402 метр баландлигида қад рўстлагани учун ҳам «Гиннес»нинг рекордлар китоби» мутахассислари томонидан дунёдаги энг баланд кўприк, дея эътироф этилди. Кўприк остига Париждаги Эйфел минораси жойлаштирилса-да унинг бўйи кўприккача етмайди. «BBC News» хабарига қараганда, кўприк қурилишига 2,180 миллиард песо (161,5 миллион доллар) миқдорда маблағ сарфланган. Бу Мексика тарихида йўл инфраструктураси учун ажратилган энг катта маблағдир.

КРЕДИТ ТРАНШЛАРИ

кечиктирилмоқда

Еврокомиссиянинг расмий вакили Оливье Байи Грецияга ажратилажак наватдаги 5 миллиард евролик кредит транши март ойидан олдин берилмаслиги ҳақида баёнот берди. Март ойида берилиши кутилган 10 миллиард евролик кредит транши эса июндан аввал берилмаслигини билдирди.

Греция маъмурияти 5 миллиард евролик траншини ўтган йил декабрда олишга умид боғлаган эди. Аммо у уч ойга кечиктирилмоқда.

ИТАР-ТАСС хабарига қараганда, Греция бош вазири Лукас Пападимос агар мартда мамлакат Европа Иттифоқи ва Халқаро валюта жамғармасидан кутилган кредит траншини олмас мамлакат иқтисодийоти банкротликка юз тутиши мумкинлигини билдирди. Бироқ Оливье Байининг айтишича, Европа Иттифоқи, Европа марказий банки ва Халқаро валюта жамғармаси вакилларидан иборат ишчи гуруҳи Греция ҳукумати бюджет ислохотларини амалга ошириш бўйича ўз зиммаларига олган мажбуриятларни бажара олиши ҳақида бир тўхтама қелгачгина мазкур траншлар Греция Молия вазирлиги ҳисобига ўтказилади.

Реклама ва эълонлар



Мамлакатимизда изчил иқтисодий ўсиш ва ижтимоий барқарорликни таъминлашда, давлат ва жамиятимиз ривожига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик етакчи ўринларини эгаллайди. Шу муносабат билан мамлакатимиз раҳбариятининг доимий эътибори туфайли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси иқтисодий тараққиётнинг муҳим бўғини сифатида кун сайин ривожланиб бормоқда. Айниқса, ўтган 2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида тадбиркорлик субъектлари ва молия муассасалари, хусусан акциядорлик тижорат «Ипотека-банк» ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари янада ривожланди.

Бугунги кунда «Ипотека-банк»нинг 37 та филиали ва 122 та мини-банки томонидан 70,0 мингдан ортиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига турли хилдаги банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

Молиявий муассаса томонидан ишлаб чиқилган ва қўрилган аниқ чора-тадбирлар натижасида 2011 йил давомида жами 615,1 млрд сўм кредит ажратилган бўлиб, унинг 302,4 млрд сўмлик қисми 6007 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашга йўналтирилди. Кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳажмини, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 1,5 баробарга оширишга эришилди.

2011 йилнинг ўзида «Ипотека-банк» томонидан кичик бизнес субъектларига кредитлар ажратилиши натижасида 10000 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Шунингдек, банк 2011 йил кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 69,9 млрд сўм микрокредит ажратди. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,8 баробар оширилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги юқори технологияли ва инновация лойиҳаларини, ишлаб чиқариш микрофирмаларини, кичик корхоналарни, деҳқон ва фермер хўжалиқларини молиялаштириш учун имтиёзли кредитлар ва микрокредитлар бериш мақсадида банкнинг имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси маблағлари 2011 йилда 6,5 млрд сўмга оширилди. Шунингдек, ўтган йил давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига банкнинг имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан 3891,0 млн сўм миқдорига кредитлар ажратилди. Хусусан, олис ва бориш қийин бўлган ҳудудларда жойлашган «Модерн макс» МЧЖга 50,0 млн сўм миқдорига «Эшонқуллов Илҳом Биродар» хусусий корхонасига хизмат кўрсатиш фаолиятини кенгайтириш мақсадида 60,0 млн сўм миқдоридagi лойиҳалари молиялаштирилди.

Шунингдек, «Ипотека-банк» томонидан тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам бир қатор амалий ишлар қилинмоқда. Жумладан ўтган

«ИПОТЕКА-БАНК»

САРМОЯЛАРИ ИШЛАБ

ЧИҚАРИШНИ

РИВОЖЛАНТИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛМОҚДА

йили 1333 та тадбиркор аёлга жами 32,8 млрд сўм миқдорига кредит ажратилди, 1166 та янги иш ўрни яратилди.

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга оид ҳукумат қарорлари талабларидан келиб чиққан ҳолда ушбу соҳада хизмат билан шуғулланувчи миқозлар моддий ва молиявий қўллаб-қувватлаб келинмоқда. Жумладан, 2011 йилда банк томонидан сервис соҳасини ривожлантириш учун 55,5 млрд сўм миқдорига кредит маблағлари ажратилган.

Шунингдек, ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масаласига ҳам банк алоҳида эътибор бериб келмоқда. Чунинчи ўтган йили 300 га яқин ёш оилага жами 3,9 млрд сўм миқдорига микрокредитлар беришди. Бу эса катта ҳаётга қадам ташлаётган оилаларнинг жамиятда ўз ўрнини топишга, иқтисодийотиимизнинг ривожига ҳисса қўшишига хизмат қилмоқда.

Шунингдек, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун 1386,7 млн сўм миқдорига микрокредитлар ажратилди.

Иш бошловчи тадбиркорларнинг кредит олиш имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида, банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан бошланғич сармояни шакллантириш микрокредитлар ажратилиши, шунингдек, касб-хунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш мақсадида, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни режалаштирган касб-хунар коллежлари битирувчиларига имтиёзли кредитлар ажратиш бўйича янги хизмат турлари жорий этилиб, 2011 йил давомида бошланғич сармояни шакллантириш учун 1176,0 млн сўм кредит ажратилган бўлса, коллеж битирувчиларига 1661,9 млн сўм микрокредитлар берилди.

Айтиш керакки, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга «Ипотека-банк» томонидан 43,6 млрд сўм, ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни кенгайтиришга 68,8 млрд сўм миқдорига кредитлар ажратилди.

Хусусан, «Шахбоз Шахром» хусусий фирмасига ип-калага ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш мақсадида 1,0 млрд сўм миқдорига ва «DENTAFILL PLUS» ХКга дори-дармон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириши учун 2500,0 млн сўм миқдорига ҳамда «Макровит» хусусий фирмасига гўшт ва сутни қайта ишлайдиган ускуналар сотиб олиши учун 450,0 млн сўм миқдорига кредит маблағлари ажратилди.

Эътиборлиси 2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб эълон қилиниши муносабати билан, «Ипотека-банк» бошқаруви Марказий банк билан биргаликда кичик бизнес

ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан бир қатор чора-тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилган эди. Шунга қўра ўтган йили кичик бизнес субъектларини рағбатлантириш, уларнинг самарали лойиҳаларини ишлаб топиб молиялаштириш мақсадида банк томонидан қатор номинациялар бўйича танлов ўтказилди. Унинг натижасига қўра, қолибларнинг ҳар бирига пуллик мукофотлар берилди ва лойиҳалари имтиёзли шартлар асосида молиялаштирилди.

Мазкур тадбирларни давом эттириш мақсадида, давлатимиз мустақиллигининг 20 йиллик шодиёнаси арафасида, 2010-2011 йилларда «Ипотека-банк» кредит маблағлари ҳисобига кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган энг яхши лойиҳалар бўйича «Банк кредити ҳисобига самарали лойиҳалар ижтимоий хизмат кўрсатиш йўналишидаги лойиҳани амалга оширган энг яхши тадбиркор» номинациялари бўйича танлов эълон қилинди. Ушбу танловда «Ипотека банк»нинг мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги юзлаб миқозлари лойиҳалари иштирок этди.

Ғолибларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топшириш маросими Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги шодиёнаси арафасида тантанали равишда ўтказилди.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурининг ижросини таъминлаш, касб-хунар коллежлари ва академик лицей битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, касаначиликни фаоллаштириш ҳамда уларга микроолиявий хизматлар кўрсатиш орқали янги иш ўринларини яратиш, мустақил ҳаётда ўз ўринларини топиш ва бизнесини йўлга қўйишда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида, «Камолот» ЕИХ билан биргаликда, касб-хунар коллежлари ҳамда академик лицей битирувчилари ўртасида «Менинг бизнес гоям» танлови ҳам ташкил этилди. Танловда ғолибликни қўлга киритган битирувчиларнинг бизнес гоёлари имтиёзли шартларда молиялаштирилиб келинмоқда.

Муҳтасар айтганда, «Ипотека-банк» томонидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида барча зарурий чоралар қўриб борилмоқда ва 2012 йилда ҳам бундай ишлар изчил давом эттирилади.

Алишер РҮЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚTISODИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ



ОЧИҚ ОФЕРТА САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Очиқ оферта савдосига ТИФ Миллий банкнинг қуйидаги корхоналар устав фондидаги 100 фоиз улушлари қўйилмоқда:

T/p	Аукционга қўйилган объект ва фаолият тури	Корхона жойлашган манзил	Сотууга қўйилган улуш (%)	Закалат миқдори (%) бошланғич баҳодан	Бошланғич баҳоси (Сўм ёки АҚШ доллариди)	
					Сўм	АҚШ доллари
1	«NAMANGAN QOG' OZ'I» МЧЖдаги улуш. Қоғоз ишлаб чиқариш	Наманган вил., Наманган ш., Курувчилар кўчаси, 50-уй	100 %	1 %	3 901 410 000	2 233 716,94
2	«NUROTAMARBLE» МЧЖдаги улуш. Мармар плиталар ишлаб чиқариш	Навобий вил., Нурота ш., Карьер кўчаси, 1-уй	100 %	1 %	692 656 000	396 573,92
3	«VODIY MUZQAYMOG'I» МЧЖдаги улуш. Музқаймоқ ишлаб чиқариш	Андижон вил., Андижон ш., Университет кўчаси, 5-уй	100 %	1 %	670 043 000	383 627,05

Офферта савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлар ўрнатилган тартибда тўлдирилган буюртманомаларни Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банкнига тақдим қиладилар ва закалат тўғрисидаги келишувга асосан, мазкур эълонда белгиланган миқдордаги закалат пулини Ўзбекистон Республикаси Миллий банкнинг БХКМдаги ҳисоб рақамига тўлайдилар: х/р: 298010000-00000450047, МФО: 00450, СТИР: 200836354.

Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан закалат тўлови эркин муомаладаги валюта (АҚШ доллари) да ёки миллий валюта (сўм)да амалдаги қонунчиликка мувофиқ тўланади.

Офферта таклифларини қабул қилиш мuddати 2012 йил 10 февраль Тошкент вақти билан соат 18:00 да тўхтатилади.

Офферта таклифлари тақдим этилган конвертларни очиб ва офферта савдосини ўтказиш билан боғлиқ музокаралар 2012 йил 13 февраль Тошкент вақти билан соат 11:00 да ТИФ Миллий банкнига амалга оширилади.

Таклифларни очиб вақтида офферта савдосида ўрнатилган тартибда қатна-

шаётган сармоядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирок этишлари мумкин.

Офферта савдосида энг мақбул таклиф киритган талабгор офферта голиби деб топилади.

Тўловларни амалга ошириш тартиби: Олдиндан тўлов — сотилиш баҳосининг камида 15% миқдорига, қолган қисми — олди-сотди шартномасида белгиланган муддатларда.

Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Объект хорижий валютада (ёки унинг эквивалентида) бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг қолдиқ қисмига банкнинг АҚШ доллари учун база ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Хужжатларни расмийлаштиришдаги зарур бўладиган давлат божи ва бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Офферта савдоси ўтказилиши ва офферта хужжатларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банкнинг инвестиция фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш департаментига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: 100084, Тошкент шаҳри, Амир Телмур шоҳ кўчаси, 101-уй.

Тел:(8-371)234-11-22; 234-15-60. Факс:(8-371)234-44-38.

www.nbu.com.

Диққат янги руқн: Яхшиларнинг меҳри

ШАРОПОВ ВА УНИНГ ДЎСТЛАРИ

Бу спорт клуби аъзолари орасида оддий ишчидан тортиб генералгача бор. Турмуш тарзи, ҳаётга қарашлари, тушунчалари турфа хил бўлган бу одамларни умумий бир қизиқиш бирлаштирган — отга ишқибозлик. Лекин бизнинг эътиборимизни тортган бу эмас. Дунёда ишқибозлик, ишқибозлар камми?

Бундан ўн саккиз йил олдин, истеъмолчилар кооперациясида тайёрловчи бўлиб ишлаган Зайниддин Шаропов битта она-бола зотдор от сотиб олган эди. Ана шу отлар билан пойғаларда, турли мусобақаларда қатнашиб юрди. Ҳозир унинг отхонасида 20 бош зотдор қорабайр, араби, туркман, инглиз отлари парваришланади, ҳар бирининг ўз «таржимаи холи», ютуқ ва совринлари бор. Эгасининг улар билан суҳбатлашганини кўринг. Ҳар бирининг олдига кириб келганида аввало саломлашади, силаб-сийпайди. От ҳам бу меҳрибончиликни тушунгандек унинг кўзларига тикилади, жониворнинг нигоҳида миннатдорчилик акс этгандек туюлади.

— Мана бу «Рой», кино юдузими, — бизни таништиради Шаропов. — Кўпгина клипларда суратга тушган.

Мақтовни сезгандек «Рой» олд оёқларини кўтариб кишнади.

— Мана бу эса «Асал», икки зотни чаптириб, яратганмиз.

Кулранг тусдаги танаси қора тангалар билан қопланган тарлоннинг лақаби хисмига монанд, кўзлари ҳам охуларниқидек боқади.

Шароповнинг отларга ҳам, чавандозларига ҳам меҳри баланд. У бу ерда шуғулланаётганларга «болаларим» деб мурожаат қилади. Унинг болалари кўп. Бир боласини бундан ўн беш йиллар олдин, қоғоз чиқиндиларини қабул қилиш пунктидан «топиб олган» эди. Тайёрловчи сифатида йўқан чиқиндиларни топшириш учун келганида хизмат қилиб юрган ўн ёшлар чамасидаги болага кўзи тушди. Сўраб суршитирса, онаси уни болалар уйига топширган, бола у ердан қочган экан. Керакли ҳужжатларни тўғрилаб, болани фарзандликка олди. Фарзандга паспорт олиш вақтида унинг онаси топиди. Йигирмадан ошган йигит онаси, оиласи бағрига қайтди. Агар у Шароповнинг тарбиясини олганда, унинг клубидаги муҳитда яшамаганида, ушбу воқеа балки бошқача яқун топармиди?...

Бир ердаги муҳит ҳақида эшитиб узоқ-яқиндан — ипподром ёнига келиб жойлашган клубга қўшни маҳалладан торт

тиб, вилоятлардан ҳам қизиқувчилар келаверади.

— От спорти жуда нозик ва мураккаб спорт тури ҳисобланади. Биз чавандоз билан бирга отни ҳам тайёрлаб боришимиз керак. Улар бир-бирига ўрганиши, бир-бирини тушуниши лозим, — дейди Зайниддин ака. Отга бир кун ё бир соат эътиборсиз бўлсангиз, неча йилги машғулотлар орқага кетди деяверинг. Булар от спортининг айрим ўзига хосликлари, холос. Клубимизга келган барча болалар келгусида ўз ҳаётини спорт билан боғлашмаслиги мумкин. Аммо эркак кишига кўрк қўшадиган от миниси сир-асрорларини беками-қўст ўрганади.

Тўғри, клубда шуғулланиш учун ҳаммада ҳам имконият бўлмаслиги мумкин. Айниқса, кам таъминланган оилаларнинг болаларида. «Шаропов ва унинг дўстлари» клубида эҳтиёжманд оилалар фарзандлари бепул шуғулланадилар.

— Чавандозлик отга меҳрдан бошланади, — дейди яна Зайниддин ака. Машғулотга келган катта-кичик ўз сеvimли отининг олдида «яхшимисан, дўстим» деб кириб келади. Жонивор билан тиллашади. Бола отни парвариши орқали меҳнатга ўрганади, у билан машқ қилиш эса руҳини кўтарди.

Эсида, ўсимир ўғлини етаклаб келган она юрагидагини тўкиб солганди.

— Турмуш ўртоғим бизни ташлаб кетди. Бу эса ўғлимнинг тарбиясига ёмон таъсир кўрсатмоқда. Уқишлари пасайиб кетди, уйда ҳам онасига биқиниб олади. Телевизорда от пойғаларини кизиқиб томоша қилишини кузатгандим. Болаларга эътиборингиз, меҳрингиз ҳақида эшитиб, келавердим.

Онаси мажбуран олиб келган бу бола кейин клуб машғулотларига боғлиқ бўлди. Ҳозир оилалик, ўз бизнесини йўлга қўйган. Энди машғулотларга машинасида, уч яшар ўғли билан келади.

Хисоб-китобларга қараганда бир от кунига ўртача 25 минг сўмлик ем-хашак ер экан. Клубнинг дўстлари кўп, баҳоли қудрат ёрдам беришади. Иқтисодий вазириликка қилинган мурожаат ҳам натижасиз қолмади — давлат



Муродбек ЗИЁ олган суратлар.

нарҳида ем ажратилди.

— Энг катта мадад эса кейинги йилларда мамлакатимизда от спортига эътиборнинг кучайиши бўлди, — дейди Зайниддин Шаропов. — Тошкент шаҳридаги ипподром ҳозир таъмирланаяпти. Келажакда барча талабларга жавоб берадиган бу манзилда турли мусобақалар ўтказилади, отларимиз ва чавандозларимиз билан жаҳон мусобақаларига қатнашиш имкони бўлади. Сирасини айтганда бу борада дастлабки қадамлар қўйилаяпти — моҳир чавандозлардан бири Владимир Шмелев Германиядаги машҳур клубда маллака ошириш учун сафарга жўнаб кетаяпти.

Бу соҳанинг билимдон мураббийлари мамлакатимизда ҳам бор. Уларнинг бир нечаси ҳозир чет давлатлардаги клубларда мураббийлик қилишапти. Ипподромнинг таъмирланишини улар ҳам орзиқиб кутишапти — ўз юртида ўз спортчиларимизни тарбиялашни хоҳлашапти.

— От спортчиларини тарбиялаш жуда қийин иш, — дейди Зайниддин ака. — Ҳавас билан келган юз талабгордан бир иккитасигина спортчи бўлиб эти-

шиши мумкин. Асли спортнинг осон тури йўқ, ҳаммасида ҳам жисмоний тайёргарлик, сабр-матонат талаб қилинади. Бизнинг турда эса буларнинг устига отни тушуниш, унга чеқсиз меҳр кўйиш ҳам талаб этилади. Бу эса ҳамма-нинг ҳам қўлидан келавермайди.

Клуб отлари ва чавандозларининг мамлакатимизда ўтказилаётган мусобақаларда доимо совринли ўринларни эгаллаб келаётганларнинг ўзи бу ердаги машғулотлар савиясидан дарак бериб турибди.

— Клуб аъзолари катта бир оилага ўхшайди, — дейди жойиб Жамолиддин Мирзаев. — Зайниддин акадаги одамларга меҳр, саховатпешалик атрофдагиларга ҳам юққан. У қилаётган ишлар шунчаки яхшилик, бегараз ва холис яхшилик. Бундай яхшилик эса бошқаларни ҳам хайрли амалларга ундайверади.

Ҳақиқатдагина «S-AVTO DEMOMAX» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Фориғ Расулов Шароповнинг олдига тақдир билан келди.

— Биз ҳам хайрли ишларингизга ҳисса қўшсак, дегандик. Қарши бўлмагангиз, янги отхона ва машғулот учун

майдон куриб берамиз. Ўзига хос от спорти мактабини яратиш имконингиз бўлади.

— Шаропов ва унинг дўстлари» клубининг фаолияти тўғрисида турли фикрларни эшитиш мумкин.

— Мамлакатимизда от спортини ривожлантириш ва зотдор отларни етиштиришда клубнинг алоҳида ўрни бор, — дейди республика от спорти Федерацияси директори Жўракўзи Турдиматов. — Вазирлар Маҳкамасининг бу борада қабул қилинган «2010-2020 йилларда номоддий маданӣ мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастури»ни тасдиқлаш тўғрисида»-ги 2010 йил 7 октябрь ва «Марказий ипподром» очик акциядорлик жамиятининг от спорти асосий базасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги 2010 йил 27 декабрь Қарори бундай клуб ва тўғарақлар ишини янада ривожлантиришга йўл очиб берди. Мамлакатимизда от спортининг келгуси ривож Зайниддин Шароповга ўхшаган фидойиларга жуда боғлиқ.

— Биз шу клубда ўқиб ўрганганларимиз туфайли яхши натижаларга эришдик, — дейишади спортчилар Бахтиёр Бадалов, Нуриддин Норбоев, Замир Городишевлар.

Тўғри, клубнинг асосий вазифасини ана шу максадлар ташкил этади. Аммо, клуб туфайли ҳаётда ўз ўрнини толган етим бола, Зайниддин Шаропов туфайли от спорти билан шуғулланишдек имкониятга эга бўлган ва бўлаётган камхарж оила фарзандларининг эътирофлари бизнинг диққатимизни тортганди.

Тўғриси айтганда, Зайниддин Шароповнинг ўзи ҳам ана шу «ёндош» максадларни ҳаётининг мазмуни деб билади.

Айни кунда Зайниддин Шароповнинг клубида йигирмага яқин кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари шуғулланиаяпти.

Яқинда тасодифан бир аёл билан суҳбатлашиб қолдим. У автохалокат туфайли фарзандининг умуртқаси шикаст топганини, шифокорлар от минини тавсия қилишганини гапириб берди. Қўшниси ипподром ёнида бир клуб борлигини, у ерда бепул шуғулланиш мумкин эканлигини айтибди.

Лекин ишонмайроқ турибман, — деди суҳбатдошим. — Минг машаққат билан боққан отини «мана, миниб юр, касалинг тузалсин», деб текинга бериб қўярканми?!

Мен бу вақтда Зайниддин Шаропов билан ҳам, унинг клуби аъзолари билан ҳам танишган эдим.

Ишонаверинг, — дедим аёлга. — Ҳамма замонда ҳам яхшиликни пул билан ўлчамайдиган одамлар бўлмаган. Бундан кейин ҳам бўлаверади.

Шарофат Йўлдошева, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Шахмат

Ҳиндистонда ўн беш мамлакатдан келган уч юзга яқин шахматчи иштирокидаги «Sheepai Open - 2012» халқаро турнири ҳал қилувчи паллага кирди.

ШАХМАТЧИЛАРИМИЗ — ПЕШҚАДАМЛАР САФИДА

Швейцария усулида ўн бир турдан иборат мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган гроссмейстер Марат Жумаев ва халқаро тоифадаги спорт устаси Жаҳонгир Воҳидов еттинчи тур учрашувларини ҳиндистонлик шахматчиларга қарши ўтказди.

Истеъдодли ёш шахматчиси Ж.Воҳидов Ниша Моҳотага қарши партияда қора доналарда уйнади ва партияни ўз фойдасига ҳал қилди. Халқаро гроссмейстеримиз М.Жумаев эса Бхуванеш Рамнатхга ҳеч қандай имконият қолдирмади.

Беш яримтадан очко жамгарган ўзбекистонлик шахмат усталари совринли ўринлар учун курашни давом эттирмакда.

Теннис

ДЕНИСНИНГ УЧ ҒАЛАБАСИ

Австралиянинг Сидней шаҳрида Профессионал теннисчилар уюшмаси (АТР) мусобақалари тақвимига кирувчи «Asia International Sydney-2012» халқаро теннис турнирида дунёнинг энг кучли ракетка усталари ғолиблик учун куч синашмоқда.

Мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган Денис Истоин саралаш ўйинларидан муваффақиятли ўтиб, асосий тур беллашувларига қўшилди.

Ўзбекистонлик теннисчи халқаро турнирнинг саралаш босқичида австралиялик Матт Рэйдин 7:5, 7:6, 6:3, 6:2, чехиялик Ян Хажекни 6:1, 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратди. Денис энг кучли теннисчилар иштирок этаётган асосий турдаги дастлабки баҳсида ҳам испаниялик Пабло Андухарни мағлубиятга учратди — 6:3, 2:6, 6:3.

Халқаро теннис федерацияси (ITF) томонидан Туркияда «Фьючерс» туркумидаги халқаро турнирнинг саралаш мусобақасида қатнашаётган яна бир теннисчи Сергей Шипилов биринчи учрашувда болгариялик Айкут Сизгинни 6:4, 6:1 ҳисобида мағлуб этди.

Зохир ТОШУҲЖЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси

Тиббий ислоҳот

ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТИ АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

Ўзбекистон туманининг Элаш қишлоғи Фарғона вилоятининг энг чекка ҳудуди ҳисобланади. Шунга қарамай минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Давлат дастурига қўра, қишлоқда кичик ишлаб чиқариш корхоналари, маърифий масканлар бунёд этилди, инфратузилма тармоқлари ишга солинди, мактаблар мукамал таъмирланди, йўллар кенгайтирилди. Бу ерда «Элаш қишлоқ врачлик пункти» куриб фойдаланишга топширилди.



— Биз 18 минг нафарга яқин аҳолига тиббий хизмат кўрсатамиз. 440 нафар туғиш ёшидаги аёллар доимий назоратимизда, — дейди олий тоифали шифокор Абдумутал Исроилов.

Тиббиётдаги ислохотлар туфайли Элаш ҚВПси ҳам замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Илгари одамлар оддий қон таҳлили учун ҳам узоқ йўл юриб, туман марказига қатнард, энди бундай юмушларнинг барчаси қишлоқ врачлик пунктида амалга оширилади.

— Ёшим саксондан ошди. Фарзанд, набираларимдан кўнглим тўқ, хамшира қизлар холимдан ҳар доим хабар олиб туради, врачлик пунктига қақриб солигимни текшириб турадилар, — дейди меҳнат фахрийиси Исмоил Қодиров. — Биз қарияларни тиббий қўриқдан ўтказадилар.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз Президентни Фармони билан тасдиқланган давлат дастурига асосан Фарғона вилоятида 293 ҚВП ташкил этилди. Уларнинг 214 таси «Саломатлик» лойиҳа-

си доирасида 4,2 миллиард сўмлик тиббий жиҳозлар билан таъминланди. «Саломатлик-2» лойиҳаси асосида яна 79 та ҚВПларга 2,2 миллиард сўмлик тиббий ҳамда лаборатория жиҳозлари келтириб ўрнатилди, теле-фон алоқасига уланди, сув ҳамда иссиқлик тизимига эга бўлди.

Каримбой Ҳусанов Олтиариқ қишлоқ врачлик пунктнинг мудир бўлиб ишлади.

— ҚВП рўйхатида 19065 нафар аҳоли бор. Биз, тиббиёт ходим-

лари уларнинг саломатлигига масъулимиз, — дейди у. — Қишлоқ врачлик пунктларида барча шариоитлар яратилган. Биздан ўз вазирамизни сидқидилдан бажариш талаб этилади ҳалос.

— Биз шаҳарларда оилавий поликлиникалар очилибди, деб эшитар эдик. Қишлоқ врачлик пунктлари ҳам аслида бизнинг оилавий шифохонамизга айланди, — дейди маҳалла оқсоқоли Абдукарим Абдуллаев.

Муҳаммадҷон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

ОБ-ҲАВО 10-11 - 01. 2012

Table with weather forecasts for various cities. Columns include city names, temperature ranges, and weather icons. Cities listed include Buxoro, Toshkent, Qashqadaryo, Andijon, Tashkent, London, Paris, Moscow, Madrid, Beijing, Hong Kong, Rome, Ankara, Tokyo, Stockholm, Keiptaun, Qohira, Havana, and Vashington.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Навоий вилояти кенгаши Хатирчи туман партия кенгаши фахрийси Шамсиддин Мелиевнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Footer section containing contact information for MUASSIS, Bosh muharrir: Safar OSTONOV, TANHIR HAY'ATI (Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV), Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA, Bobir ALIMOV, G'affor HOTAMOV, Muhiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad SAIDAHMAD, RAHIMOV), BO'LIMLAR (Partiya hayoti, Madaniyat va sport, Iqtisodiyot va iqtisodiyot, Jamoatchilik bilan aloqalar, Reklama va e'lonlar), MANZILIMIZ (100000, Toshkent), Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida, and Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.